O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 29 июнь, № 124 (3923) Пайшанба




## Барака аҳилликда

Марҳамат ип-йигирув, тикув ҳиссадорлик жамияти ташкил этилгандан буён ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда пешқадам корхоналар сафида бормоқда.Ҳар йили бу ерда 1750 тонна пахта қайта ишланиб, 10 миллион 600 минг погонометр хом газлама тайёрланади ва Фарғона водийси вилоятларидаги тикув фабрикалари, пардозлаш корхоналарига етказиб берилади.

Эътироф этиш керакки, корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Турли маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказиб турилиши эса меҳнат унумдорлигининг ошишига ижобий таъсир қилади.

Сиз суратда кўриб турган илғор ишчилар Шоира Турсунова ва Шаҳноза Юсупова. Улар бир неча йиллардан буён мазкур корхонада ип йигирувчи бўлиб ишлашади. Улар ишда ҳам, ҳаётда ҳам барчага ўрнак.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 28 июнь куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Фаластин ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Нодия Иброҳим Каффофий, Муҳаммад Беррах, Асад Муним ал-Асад ва Асқар Мирзааҳметов ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан элчиларни қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Миср халқаро муносабатлар тизимида, айниқса, араб дунёси ва мусулмон оламидаги жараёнларда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан саналади. Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларда халқаро ташкилотлар доирасидаги, шунингдек, терроризм ва диний экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга. Иқтисодий ҳамкорлик алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. 2005 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 9,6 баробар ўсиб, 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Мамлакатларимиз ва халқларимизни кўпгина муштарак жиҳатлар бир-бирига боғлаб туради, — деди Нодия хоним. — Менинг элчи сифатидаги асосий вазифам икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ўзбекистон ва Жазоирда ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Мавжуд салоҳият яхши ўрганилмагани сабабли улардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Алоқаларнинг тикланиши ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Муҳаммад Беррах Президентимизга ишонч ёрлиғини топширар экан, фаолияти даврида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларига, айниқса, сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратишини маълум қилди.

— Жуғрофий жиҳатдан бир-биридан анча узоқда жойлашган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш мен учун катта шарафдир, — деди элчи.

Ислом Каримов Фаластин элчиси билан суҳбатда Ўзбекистон Фаластин халқи тинч йўл билан ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришига ишонч билан қарашини ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ доирасида ушбу масала бўйича фаластинликлар позициясини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш икки мамлакат манфаатларига мосдир. 2005 йилда савдо-саноат палаталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида битим имзолангани бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Фаластин элчиси ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

— Маданий муштараклик халқларимизни яқинлаштиради, — деди элчи. — Ўзбекистон олий ўқув юртларида юзлаб фаластинликлар таҳсил олган. Икки халқ маданиятининг уйғунлашуви умумий қадриятларни юзага чиқаради. Бу қадриятлар эса ҳамкорлик пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда давлатларимизнинг ўзаро муносабатлари азалий алоқалар ва яхши қўшничилик анъаналари асосида янги мазмун билан бойиб бормоқда. 2005 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми 2004 йилга нисбатан 21,3 фоиз ошиб, 516,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айниқса, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг шу йил март ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар, жумладан, икки мамлакат раҳбарлари шафеълигида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Қозоғистон минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Қозоғистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатларга катта аҳамият берилади, — деди А.Мирзааҳметов. — Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома имзолангани, давлат чегараларининг делимитацияси борасида Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон ва Қозоғистон келишувга эришгани ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётгани ҳақида яққол тасаввур беради. Давлатларимиз минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

**(ЎзА).**

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Буюк Ипак йўли: анъана ва маданият" мавзуида либослар кўргазмаси очилди.

### БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: АНЪАНА ВА МАДАНИЯТ

Кўргазма Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Корея мода дизайнерлари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Туркия, Озарбойжон модельер-дизайнерларининг элликка яқин миллий либослари намойиш этилмоқда.

Тадбирда ўзбек-корейс халқлари маданияти, урф-одат ва анъаналари азал-азалдан бир-бирига ўхшаш экани, икки мамлакат ўртасидаги савдо, иқтисодий, маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида қадимий Буюк Ипак йўлининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлгани таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик янги, юксак поғонага кўтарилганини қайд этилди.

Тадбир доирасида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўзбек-корейс ижодкорларининг талабалар билан учрашуви, Корея санъаткорлари ва истеъдодли ёшлари ижросидаги концерт, анъанавий либослар намойиши ўтказилди. Республика Миллий дизайн коллежида эса икки мамлакат дизайнер-модельерларининг семинари бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилишида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Муносабат

## ЭЛ-ЮРТ ДАРДИ ВА ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАЙЛИК



*Ҳар сафар бўлганидек, бу йил ҳам Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор фикрлашиб олишимизга имкон берди. Соҳа ходимларига Президентимиз йўллаган табрик ҳар бир журналист ва матбаачи қалбида ғурур ва масъулият туйғусини жўш урдирди.*
*Қуйида ихтиёрингизга ҳавола этилаётган фикрлар сўзимизнинг ёрқин исботидир.*

**Шуҳрат УМИРОВ, "Жаҳон" АА етакчи мутахассиси, "Йилнинг энг фаол журналисти — 2005" танлови ғолиби.**

— Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриги бирон-бир касбдошимизни бефарқ қолдирмаганига ишончим комил. Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг миллий журналистикамизга, соҳа ходимларига кўрсатилган юксак эътибордан далолат, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбарининг байрам табригида мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритилган улкан ютуқ-муваффақиятларда заҳматкаш матбуот аҳлининг муносиб ҳиссаси борлиги, соҳамиз ходимларининг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил олдинги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмаслиги алоҳида таъкидланган. Бундай фикрларни эшитиш, ўқиш ҳар бир касбдошимиз қалбига фахр ва ифтихор туйғуларини солганига шубҳа қилмайман.

Яна бир муҳим жиҳат. Юртбошимиз йўллаган байрам табригида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари фидойи инсонлар эканлиги ҳам алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, Ватанга садоқати бўлмаган киши журналистиканинг залворли қаламини тебрата олмайди. Юртсеварлик ва элпарварлик сингари улуғ туйғулар эса фақат фидойи инсонларга хосдир.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) бош муҳаррири:**

— Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиб ўйланиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам, биз журналистлар бугун юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қурилаётган бир пайтда, унинг асосий шарти бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўша олаяпмизми? Албатта, бу борада интилишлар бор. Бироқ, назаримда, биз янада фаолроқ бўлишимиз зарур. Ахир бу барчамизнинг асосий мақсадимиз-ку. Журналистлар омма фикрини шакллантиради. Демак, ушбу йўналишда қилинаётган ишларни яхшироқ ёритсак, халқ дарди ва интилишлари билан яшасак, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари муқаддас бўлган янги жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари янаям самарали бўлади.

Яна бир гап. Журналист дунёда бўлаётган воқеалар ҳақида ҳамиша холисона хабардор қилиш учун масъулдир. Шу билан бирга, ушбу воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириш ва бу жараёнларга нисбатан жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Сир эмас, ҳозирги кунда оқни-оқ, қорани-қора деб танийдиган, ўзига ким дўст, ким душман эканини биладиган давлатгина ўз йўлидан оғишмай ривожланади. Шу маънода юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун журналистлар бу йўналишдаги фаолиятлари ҳақида яна бир бор чуқур ўйлаб кўришлари лозим.

**Файзи ҲАЙДАРОВ, "Ургут садоси" газетаси бош муҳаррири:**

— Бу байрам фақат журналистларнинг эмас, балки бошқа соҳа ходимларининг ҳам тантанаси десам, муболаға бўлмас. Негаки, қалам аҳли шифокорлигу муҳандисликнинг, мироблигу мусоҳибликнинг, қўйингки, ҳар бир жабҳанинг фаол ёритувчиси ҳисобланади. Ҳамкасбларимиз билан кўришганда, аввало ана шу ҳақда гаплашамиз. Қайси соҳада қандай камчилик бору уни бартараф этишда ҳамкасбларимиз қандай йўл тутиши лозим? Зеро, журналистнинг жамиятдаги мавқеи унинг муаммою камчиликларни бартараф этишга қўшадиган ҳиссаси билан белгиланади. Бунинг учун эса қалам тутган кишининг фикри чуқур, малакаси етук бўлиши лозим. Бугун бошқа жабҳалар қатори ОАВнинг ривожланиб бораётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган коммуникация технологиялари эса бу борада бизга қўшқанот бўлмоқда. Демак, бундай шароитда ўзни кўрсатмаслик, одамларнинг дарди, муаммосини ҳал қилишга бел боғламаслик мумкин эмас. Орамизда кўплаб иқтидорли, жонкуяр қаламкашлар бор ва улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Энг асосийси, биз Президентимизнинг эл-юрт манфаати йўлида ёниб-куйишларини янада теранроқ англашимиз шарт. Шунда, аввало, ўз ишимизга нисбатан масъулиятимиз ошади, ҳам миллий манфаатларимизга кўпроқ хизмат қилаверамиз.

Хушхабар

## Полвонларимиз шоҳсупада

Эркин кураш бўйича юртимиз полвонларининг халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари бугун барчамизни қувонтирмоқда.

Бокуда якунланган олтин Гран при туркумига кирувчи «Golden Grand Prix» халқаро турнирининг якуний босқичида ҳам ўзбекистонлик курашчилар муваффақиятли иштирок этдилар. Хабарингиз бор, ушбу нуфузли мусобақа кичик жаҳон чемпионати деб ҳам юритилади. Чунки унда эркин кураш бўйича етакчи ўринни эгаллаб турган мамлакатлар вакилларигина иштирок этади.

Озарбойжон пойтахтида тўрт нафар полвонимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Жумладан, Дилшод Мансуров ва Артур Таймазовлар ўз вазн тоифаларида турнирнинг олтин медалларини қўлга киритдилар. Абдулла Аммаев эса тўртинчи ўрин билан кифояланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Республика Бош прокуратурасида

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ таълим муассасаларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг моддий шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 959 академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 897 минг 319 нафар, 9 минг 748 умумтаълим мактабида 5 миллион 926 минг 860 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан коллеж ва лицейларга 1998-2005 йилларда 62,8 миллиард сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари етказиб берилган. Хорижий инвестиция ва грант маблағлари ҳисобидан 369 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи 119 миллион АҚШ доллари миқдоридаги энг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланган.

Мактабларга харид қилинадиган ўқув жиҳозлари бўйича кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида «ЎзЭкспоМарказ»да мактаб мебели, ўқув ва спорт анжомлари кўргазмаси ташкил этилди. Мактабларнинг спорт анжомлари ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминоти 80 фоиз кўпайган. 2005 йилда 988 мактаб замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланиб, уларнинг умумий сони бир минг 342 тага етказилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда 167 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган, бу мақсадларга 10,8 миллиард сўм сарфланган. Болалар спорт иншоотларига зарур бўлган 120 номдаги спорт анжомларидан 104 турдагисининг республика корхоналарида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Ўтган йили 209 та болалар спорт иншоотларига 3,9 миллиард сўмлик спорт анжомлари етказиб берилди.

Шу билан бирга, жойларда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази томонидан таълим муассасаларида жиҳозларнинг ўрнатилиши ва ўқув жараёнида фойдаланилиши самарадорлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмаган. Бюджет ҳамда хорижий кредитлар ҳисобидан 18 касб-ҳунар коллежига ва 20 мактабга берилган ўқув жиҳозлари белгиланган тартибда ўрнатилмаган ва ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилмаган.

Айрим ҳолларда шартнома интизоми сусайтириб юборилгани, уни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмаганига эътибор қаратилди. Замонавий фан кабинетлари жиҳозларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчиларнинг малакасини мунтазам юксалтириб боришни йўлга қўйиш зарурлиги уқтирилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

"Ғалла-2006"

## Фарғонанинг баракали хирмони

Фарғоналик ғаллакорлар водий вилоятлари ичида биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш шартнома режасини ортиғи билан уддаладилар. Дон қабул қилиш пунктларига 279 минг тоннадан зиёд ҳосил топширилди. Бу буғдой уруғи сепилган ернинг ҳар гектари ҳисобига салкам 47 центнерданга тўғри келиши билан бирга ўтган йили эришилган натижадан 16 минг тоннага кўпдир.

Ҳосилдорлик борасида жорий йилда ҳам тошлоқликлар олдига тушадиган туман топилмади. Тошлоқлик ғаллакорлар ҳар гектар майдондан 60 центнердан ҳосил олишди. Бешариқ, Бувайда, Қува, Учкўприк, Ўзбекистон, Олтиариқ туманлари ғаллакорлари эса гектар ҳисобига ҳосилдорликни 50 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. Учкўприк туманидаги Деҳқонов номли, Тошлоқ туманидаги "Оқ олтин" ширкат хўжаликлари, Фурқат туманидаги "Шаббода", Тошлоқ туманидаги "Ҳабибахон Илёс саховати", Қува туманидаги "Роҳатой" фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 65-70 центнердан ортиб кетди.

Вилоятда ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда. Фарғоналик ғаллакорлар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиб, мамлакатимиз ялпи хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

**Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Ғазо секторида вазият кескинлашди



*Исроилнинг ЦАХАЛ махсус қўшинлари томонидан Ғазо секторида олиб борилаётган амалиётларга 3 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчи ва юзлаб оғир зирҳли техника жалб қилинди, деб хабар беради CNN телеканали. Кеча эрталаб Исроил армияси бутун минтақани ўз назорати остига олди. Ушбу амалиётлар 25 июнь куни фаластинлик террорчилар томонидан 19 ёшли исроиллик ҳарбий гаровга олингандан сўнг бошланганди. Жангарилар билан музокаралар самара бермагач, Исроил бош вазири Ғазо минтақасида ҳарбий операциялар бошлаш ташаббуси билан чиқди. Ҳарбийлар гаровдаги Гилад Шалит чегарадан олиб ўтиб кетилиши мумкинлигидан хавотирда.*

*Шу кунларда «Халқ қаршилиги қўмиталари» гуруҳи яна бир исроиллик гаровга олинганини, агар ЦАХАЛ амалиётларни тўхтатмаса, у қатл этилишини маълум қилди. Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, Ғазо минтақасидаги бу кутилмаган воқеа Яқин Шарқдаги вазиятга жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.*



## Жангарилар базаси йўқ қилинди

*Ингушетияда 26 ва 27 июнь кунлари ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлар чоғида жангариларнинг пухта жиҳозланган, мустаҳкам базаси йўқ қилинди. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатди. «Тадбир давомида 20 кишининг бемалол яшириниб яшашига имкон берувчи базалар топилди», дейилади расмий маълумотда. Ушбу яширин жойлар республиканинг Сунженск районида жойлашган экан.*

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## New York Timesни судга беришмоқчи

*Америкадаги танниқли республикачи Питер Кинг New York Times газетаси устидан жиноий иш қўзғатиш талаби билан чиқди. Ушбу газета АҚШ ҳукуматининг фуқароларнинг банкдаги пул ўтказмаларини назорат қилиб бориш бўйича махфий дастури ҳақида мақола эълон қилган эди. Guardian газетасининг ёзишича, парламент қуйи палатасидаги хавфсизлик бўйича қўмита раҳбари бўлган Кинг газетадаги журналистлар, муҳаррир ҳамда унингноширини жавобгарликка тортиш керак, деб ҳисобламоқда. «Биз урушдамиз ва бундай шароитда газетада махфий операцияларимизга тааллуқли маълумотларни эълон қилиш давлатга хоинликдир» деди парламент вакили.*



*Ўтган жума куни New York Times газетаси МРБ ва АҚШ Молия вазирлиги 11 сентябрдан кейин бутун дунёдаги Америка фуқароларининг банкдаги ҳисоб рақамлари устидан кузатув жорий қилгани ҳақида мақола эълон қилган ва бу жуда катта жанжалларга сабаб бўлаётганди. Демократлар ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари бу кузатувни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш деб баҳолашди. Газета бош муҳаррири Билл Келлернинг айтишича, мақола эълон қилинишидан олдин Оқ уй вакиллари уни тўхтатиб қолишга уринишган. Бироқ журналистлар мақола жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотиши сабабли уни газетада босиб юборишди.*

## Тимошенкога яна бир имконият

*Украина Олий радасидаги «рангли» коалиция мамлакат ҳукумати ва парламенти раҳбарлигига номзодларни тасдиқлади. «Украинск новини» агентлигининг хабарида айтилишича, бош вазир лавозимига БЮТ етакчиси Юлия Тимошенко, Украина парламенти спикери лавозимига «Наша Украина» вакили Петр Порошенко кўрсатилди. Эртага ушбу номзодлар парламент аъзолари томонидан тасдиқланиши лозим. Украина социалистик партияси етакчиси Александр Морознинг маълум қилишича, парламент аъзолари «пакетли» овоз бериш, яъни ҳар икки номзодни бир йўла тасдиқлашга ҳам келишиб олдилар. Бундай овоз бериш усулига Минтақалар партияси қарши чиқмоқда.*

## Маҳбуслар озодликка чиқарилди

*Ироқ раҳбарияти Бағдод яқинида жойлашган «Абу-Грейб» қамоқхонасидан 450 нафар маҳбусни озодликка чиқарди. Ушбу чора мамлакат бош вазири Нурий ал-Маликий томонидан Ироқда тинчлик ва тартиб ўрнатиш мақсадида ишлаб чиқилган миллий ярашув дастури доирасида амалга оширилди. CNN хабарига кўра, Ироқ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Муваффақ ал-Рубойи озод этилганларнинг бирортасига ҳам айблов эълон қилинмаганини айтди. «Бу маҳбуслар фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан ушлаб турилган эди» деди у.*



*Ҳозиргача Ироқ ҳукумати ушбу дастур доирасида 2700 дан зиёд маҳбусни озодликка чиқарди ва бу ой яна бир бор ана шундай тадбир ўтказилиши кутилмоқда, дейилади хабарда.*

## Террорчилар йўлига тўсиқ

*«Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига кўра, Россия Федерал хавфсизлик хизмати ва прокуратура органлари Ўзбекистон махсус хизмати вакиллари билан ҳамкорликда террорчилик ташкилотларини молиялаштириш каналларини ёпишга муваффақ бўлди. ФХХ жамоатчилик алоқалари марказининг маълумотида айтилишича, ноқонуний пул ўтказмалари билан шуғулланган ушбу жиноий гуруҳ бир неча давлатларда фаолият олиб борган. «Москвада ва Ўзбекистонда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида гуруҳнинг 35 нафар аъзоси ҳамда унинг раҳбари қўлга олинди», деб маълум қилди ФХХ вакили. Гумондорлардан 40 миллион рублга яқин маблағ олиб қўйилди.*

# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сонли Фармойиши билан тузилган Махсус комиссия томонидан тасдиқланган “Умумтаълим мактабларига мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомларини харид қилиш”, Тендер комиссияси томонидан “2006 йилда умумтаълим мактабларига мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва компьютер техникаси ҳамда махсус мебелларни харид қилиш” бўйича ўтказилаётган тендер савдоларининг якунланганлиги ҳамда тендер-савдолари ғолиблари қуйидаги рўйхат асосида эълон қилинади:**

1. “Asia Promin” ҚК
2. “Elholding” МЧЖ
3. “Elita Hamroh” МЧЖ
4. “Inter Textil” ХФ
5. “Maharad Servis” МЧЖ
6. “RK Trexgorka”ЁАЖ
7. “Rassata” МЧЖ
8. “Real Savdo Servis” МЧЖ
9. “Relax Lux” ХК
10. “Stroy Tex Mash Group” МЧЖ
11. “Vivetta Servis” МЧЖ
12. “World Studio” МЧЖ
13. “Азия Трейд” ҚК
14. “Айнур” ХФ
15. “АЛП” КТХФ
16. “Алпина БКР” ХК
17. “Бобоёр” ХК
18. “Бобур” ХК
19. “Good Luck” МЧЖ
20. “Денгиз мавжи” ХФ
21. Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси
22. “Жўра Мирза Баркамол” ХК
23. “Ибрат” МЧЖ
24. “Иттифоқ” МЧЖ
25. “Калорама” ХК
26. “Камол Бахт” ХФ
27. “Камомебель” МЧЖ
28. “Қаршимебель” МЧЖ
29. “Катрис” ХК
30. “Келажак Компьютерлари” МЧЖ
31. “Кинап” ОАЖ
32. “Коллеж-мактабмебель сервис” МЧЖ
33. “Европа Саноат” МЧЖ
34. “Қўйлиқ АБЗ” МЧЖ
35. “Қурилиш Пардоз Таъмир” МЧЖ
36. “Қурилиш хом-ашё савдо” ХК
37. “Қурилиш Экстра” ХК
38. “Кўқонмебель” МЧЖ
39. “Марг Эффект Рисо” ХИЧФ
40. “Меб Андижон” МЧЖ
41. “Мебель сервис” МЧЖ
42. “Мебель жиҳоз” ШК
43. “Мебель” ОАЖ
44. “Навоий ФСК” МЧЖ
45. “Найман – ЭХ” ЧК
46. “Нексен таъминот сервис” КК
47. “Ойбек Квебек” ҚК
48. “Ойбек-95” ҚК
49. “Олимкор” КТИЧФ
50. “Отабек” МЧЖ
51. “Пресс-С.Я” МЧЖ
52. “Промин-Барака” ҚК
53. “Савдогар-Т” МЧЖ
54. “Сергели Юмшоқ мебель” МЧЖ
55. “Сино” ОАЖ
56. “Стеклопластик” ОАЖ
57. Тошкентдаги 2-карлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси
58. “Тохирий-Франс ЛДТ” ҚК
59. “Тошкентмебель” АЖ
60. “Урганчмебель” МЧЖ
61. “Файз” ОАЖ холдинг компанияси
62. “Файз барака элит қурилиш” МЧЖ
63. “Файз-Барака ММЛ” МЧЖ
64. “Файзли Боғдод” МЧЖ
65. “Хоразммебель” МЧЖ
66. “Шах Полан-М” ҚК
67. “ШБС – 1” ХФ
68. “Шохжаҳонгир Мирзо” ХК
69. “Шўрчимебель” ИЧЖК
70. “Экспресс Саноат база” ХФ
71. “Элсун Инвест” ШК
72. “Эргаш-Азиз” КТИЧФ

28728/1215

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ**

томонидан ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига Урганч шаҳри, Фаязов кўчаси, 3-уйда жойлашган *«ХОРАЗМ ПОЙАФЗАЛ»* ҳиссадорлик жамиятига қарашли ускуналар 6 596 908 сўм бошланғич нархда қўйилган.

Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг Универсал биржа марказида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар ушбу объектларни харид қилишингизда сизнинг хизматингизда бўладилар.

Савдода қатнашиш тартиби, шарт-шароитлари ва қизиқтирган саволлар билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:

Урганч ш., А. Баҳодирхон к., 185-уй. Тел./факс: (8-3622) 26-00-61.
Тошкент ш., А. Хўжаев к., 1-уй. Тел./факс: 138-69-70.

2847Н/1169

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI FILIALI»**

Сизларни 2006 йил 31 июль куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**Савдога тугатилаётган «Крахмал» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган мол-мулклар ягона мулкий мажмуа сифатида қўйилади.**

Умумий майдони — 2,073 гектар. Қурилган жой участкаси — 2821,2 кв.м. Ҳовли — 17909,33 кв.м.

**Қисқача тавсифи:**

- қозонхона биноси, майдони — 747,84 кв.м.;
- ҳар бирининг майдони 42,98 кв.м. бўлган 3 та мазут сақлаш сиғими;
- ишлаб чиқариш биноси, майдони — 532,58 кв.м.;
- 2 та омборхона, майдони — 119,07 кв.м. ва 455,08 кв.м.;
- ивитиш биноси, майдони — 134,54 кв.м.;
- 2 қаватли маъмурий бино, майдони — 156,86 кв.м.;
- тарозихона соябони, майдони — 103,54 кв.м.;
- ҳожатхона, майдони — 13,0 кв.м.;
- ёрдамчи бино, майдони — 28,91 кв.м.;
- қуритиш биноси, майдони — 59,94 кв.м.;
- соябон, майдони — 10,62 кв.м.;
- тарозихона ертўласи билан, майдони — 21,0 кв.м.;
- насос биноси, майдони — 80,92 кв.м.;
- 3 та ҳовуз, майдони — 10,92 кв.м, 15,85 кв.м. ва 9,92 кв.м.;
- 3 та сув сақлаш сиғими, майдони — 38,46 кв.м.;
- қоровулхона, майдони — 24,32 кв.м.;
- П.Р.У., майдони — 51,96 кв.м.

Шунингдек, 104 турдаги асбоб-ускуналар, иншоотлар ва бошқа турдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар мавжуд.

**Мулкий мажмуанинг бошланғич баҳоси — 450 000 000 сўм. Сотилмай қолган мулклар 2006 йил 7 август куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий очиқ савдоларга қўйилади.**

*Имкониятингизни бой берманг!*

Ушбу мулкий мажмуа савдосида қатнашиш учун ариза ва 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр к., 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефонлар: 128-59-82, 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31. Факс: 133-43-73.**

*Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари*
*Сизнинг муваффақиятингиз учун!*

**«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

## Қаршининг мобил телефони

Мамлакатимизда уяли алоқа воситаларига эътибор ортиб бормоқда. Бироқ мобил телефон аппарати ишлаб чиқарадиган биронта корхона йўқ. Шуни ҳисобга олиб, тадбиркор Ғафур Амиров Қарши шаҳрида мобил телефон аппарати ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил қилишга бел боғлади. Бу ишни амалга ошириш учун шерикни Хитой Халқ Республикасидан топди. Вилоят адлия бошқармасида рўйхатга олинган «ZTE investment» қўшма корхонасининг низом жамғармаси 335 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг 51 фоизи Хитойдаги «ZTE (H.K.) Limited» масъулияти чекланган жамиятининг улушидир.

Қўшма корхонада 50 киши ишлайди. Дастлабки пайтларда Хитойдан бутловчи қисмлар олиб келиниб, Қаршида йиғилади. Кейинчалик маҳсулотни тўлиқ шу ернинг ўзида тайёрлаш кўзда тутилган.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
*«Халқ сўзи» мухбири.*

## АТ «Алоқабанк»:

# ХАТИРЧИДА ЯНГИ МИНИ БАНК ОЧИЛДИ

***Бугунги кунда Навоий вилоятида акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»ининг битта филиали ва унинг иккита мини банки 218 та мижозга хизмат кўрсатмоқда.***

***Хусусан, филиал кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар учун етарли шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.***

***Филиалнинг жами кредит қўйилмалари 1 195 млн. сўм бўлиб, шундан кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитлар 341 млн. сўмни, аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 454 млн. сўмни ва қўшма корхоналарга берилган кредитлар 197 млн. сўмни ташкил этмоқда.***

Айни чоғда жамоа томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси кредит линиялари орқали ушбу соҳа тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда кичик бизнес субъектларига кредит линияларини очиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мазкур жамғарма кредит линияси ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи эса 83 млн. сўмни ташкил этди.

Филиалнинг Навоий шаҳри ва Хатирчи туманидаги мини банклари замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бири коммунал ва бошқа хизмат турлари учун тўловларни аҳолига қулай бўлган вақтларда қабул қилиш имкониятларига эга. Натижада узоқ туманларда фаолият кўрсатаётган мижозлар шаҳар марказига вақт сарфлаб боришларига ҳожат қолмаётир.

Айниқса, Хатирчи туманида мини банкнинг ташкил этилиши ана шу туман инфратузилмасининг ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки у мижозларнинг банкка қатнаш харажатларини қисқартириш, вақтни тежашга шароит яратиш билан бирга, банкка кам харажат қилиш йўли билан тармоқни кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш орқали ўз даромадини ошириш имконини бераяпти.

Бундан ташқари мини банкларда аҳолининг алоқа, иссиқлик, электр энергияси, коммунал хизматлар учун тўловларини қабул қилиш, жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш орқали аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилгани ҳам барчага маъқул бўлмоқда.

Жумладан, банкда 3, 6, 12 ойлик депозит, «Сахий», «Махсус», «Байрам», «Шифокор», «Туҳфа», «Бахтли болалик», «Яхши ният», «Ҳумо», «Файзли», «Орзу» ҳамда валюта омонатлари очилган бўлиб, йил бошидан буён ушбу омонатларга аҳолининг 296 млн. сўм маблағи қўйилди.



Фақат шугина эмас. Савдо шохобчаларида филиалнинг 14 та терминали ҳам ишлаб турибди. Чунки ўтган вақт ичида 1000 дан ортиқ пластик карточкалар эмиссияси амалга оширилди. Ушбу пластик карточкалар ёрдамида эса савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз кўринишида ҳисоб-китобларни амалга ошириш, коммунал хизматлар, телефон алоқалари учун тўловлар, ҳаво ва темир йўл транспортлари учун чипталар харид қилиш имкониятлари мавжуд. Пластик карточканинг яна бир афзаллиги шуки, қолган маблағига фоиз ҳисобланиб, унинг даромадига даромад қўшиб боради.

Шу билан бирга, вилоят филиалида «Western Union» ва «Travelex» тизимлари ёрдамида дунёнинг исталган мамлакатларига пул маблағларини тезкорлик билан жўнатиш ва қабул қилиш каби хизматлар ҳам кўрсатилмоқда. Муҳими, банк хизматлари харажатлари ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган фоизлари ҳамма учун қулайдир.

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»ининг Навоий филиали жамоаси бундан кейин ҳам бозор муносабатлари шароитида мижозлар сафини янада кенгайтириш, уларга янги ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида астойдил ҳаракат қилаверади.

**Ислом ҲАМРО.**

*Ташкилотлар, муассасалар, фирмалар ва уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ**

*пул ўтказиш йўли билан бир маротабалик ёки йил давомида катта миқдордаги дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини сифатли даражада бажаради.*

Мурожаат учун телефонлар:
396-90-07, 396-97-12, 396-97-14.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



# ЙИЛЛАР ХАЗИНАСИ

***Ҳафиза Ҳайитметова тўғрисида фақат катта тажрибали журналист дейишнинг ўзи етарли эмас. У, энг аввало, ижодий йўналишини, халққа нима тўғрисида сўзлашни, радио, телевидение орқали элга қандай совғани инъом этишни биладиган, бир сўз билан айтганда, ёрқин ўзлигини топган журналист.***

**— Ҳафизахон, сизни ноёб хазина тўплаган журналист, дейишади. Шу хазина ҳақида гаплашсак...**

— Ноёб хазинам, бу сон-саноқсиз магнитафон кассеталари десам ишонасизми? Хазиналиги шундаки, уларнинг ҳар бири — бир тарих. Бирида — машҳур актёрларимиздан Шукур Бурҳоновнинг, иккинчисида — Саъдихон Табибуллаевнинг, яна бирида — «Маҳаллада дув-дув гап» фильми орқали таниш, севимли актриса аяжонимиз Икрома Болтаеванинг болалик хотиралари жаранглаб турибди. Бошқа биттасида машҳур шоирамиз Зулфиянинг болаларга атаб ёзилган шеърларининг тарихи бор. Шунингдек, ўзбек санъати булбули Ҳалимахон Носирова ёки Тамарахоним овози дейсизми?.. Кассеталардан бирида донгдор олим Ёлқин Тўрақулов билан қилинган суҳбат муҳрланган...

**— Шу жойда озгина лирик чекиниш... нима сабабдан айнан шу инсонларнинг овозларини ёзиб олгансиз?**

— Мен 27 йил Ўзбекистон радиосининг болалар ва ўсмирлар бош муҳарририятида ишлаганман. «Келажак тонги», «Тарихни ўрганамиз», «Садоқат», «Бола кўнгли — онада» каби эшиттиришларни тайёрлаганман. Масалан, «Келажак тонги» эшиттириши Ўзбекистон болаларининг радиогазетаси эди. Ҳар тонг эфирга чиқарди. У болаларда шунақа қизиқиш уйғотгандики, ҳар куни жуда кўп мактублар олардик. Айниқса, улар машҳур инсонларнинг болалик чоғлари билан қизиқишарди. Хуллас, болаларимизнинг радиога саволлари асосида жуда кўп инсонлар билан учрашишимга тўғри келган.

Бу ёзув эгаларининг кўплари ҳозир орамизда йўқ. Аммо уларнинг овозлари, сўзлари, ёшларга берган ўгитлари эскирмайди. Худди кеча ёки бугун айтилгандай. Ана шунинг учун уларни асраб-авайлаб келаман.

**— Қанча кассетангиз бор?**

— Юздан ортиқ. Мана бу кассетада академик Воҳид Зоҳидовнинг сўзлари битилган. Яна бир академигимиз Воҳид Абдуллаевнинг устоз Садриддин Айний ва ўз шогирдлари ҳақидаги суҳбати анча шов-шувларга сабаб бўлган.

**— Ёзувчилардан кимларни кассетага ёзгансиз?**

— Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор ва яна бошқалар.

**— Асқад Мухторнинг сўзларини эшитсак бўладими?**

— Албатта. Асқад ака билан суҳбат қуришгаям радиога келган бир мактуб сабаб бўлган. Аниқроғи, қашқадарёлик Гулчеҳра деган ўқувчи шундай савол билан бизга мурожаат қилибди: «Мен кўпинча орзу қиламан, хаёл сураман. Ўртоқларим мени хаёлпараст деб мазах қилишади. Бу ёмон оқибатларга олиб келмайдими?»

Бу саволни ўқигач, аввалига, шифокор билан маслаҳатлашмоқчи бўлдим. Медицина фанлари доктори, профессор Шомаҳмуд Шорасулович радиога тез-тез келиб турардилар. У киши билан маслаҳатлашдим. Ўйлаб туриб: «Бу саволга ёзувчилар жавоб берса-чи?» деб қолдилар. Шу баҳона Асқад Мухтор хизмат қилаётган «Гулистон» журналига бордим. Хатни ўқиб, Асқад ака бироз хаёлга чўмдилар ва бирор ҳафталарда жавоб топишга ҳаракат қиламан, дедилар. Адиб ваъдаларининг устидан чиқди. Мана ўша жавоб (Ҳафизахон адиб овози муҳрланган тасмани қўйди):

«Гулчеҳра қизим... Сен хаёл сурар экансан, кўп

**Қадрият**

орзу қилар экансан, бу жуда яхши. Негаки, орзу инсонни олдинга ундагувчи байроқ дейиш мумкин. Яна одам хаёл ҳам қила билиши керак. Хаёлсиз, ўйсиз шумшайиб юргандан кўра ажойиб-ажойиб хаёлларга тўлиб юргани яхши. Мен шундай болаларни ёқтираман.

Ҳар қандай хаёлда ҳам, ўйлаб қарасангиз, қандайдир бир ҳақиқат, келажакнинг бир ёрқин шуъласи бўлади. Албатта, хом хаёл қилинг демоқчи эмасман, лекин тўғрисини айтсам, мен хаёлпараст болаларни яхши кўраман.

Қизим Гулчеҳра! Сенинг саволларингга жавобим шу. Нурли мўъжизалар ҳақида ўйлаб, шу ҳақда китоблар ўқиб, орзу-хаёлларга тўлиб юр. Сенга тилагим ана шундай!»

Бу жавобни севимли ёзувчимиздан 1980 йилнинг 18 мартида ёзиб олган эдим...

**— Тасмаларнинг аксарияти радиода ишлаган пайтларингизда тўпланган. Телевидениега ўтиб кетганингиз севимли ишингизга халал бермадими?**

— Телевидениедан миннатдорман. Барибир ўз мақсад-режаларимни давом эттираяпман. Аудио кассеталар ёнига энди видео кассеталар қўшиляпти. Радио хазинасида жуда кўп ёзувлар қолган бўлса, бугунги кунда телевидение олтин фондига ҳам видеофильмлар билан, озми-кўпми, ҳисса қўшаяпман. Масалан, биринчи ўзбек археолог олими, академик Яҳё Ғуломов ҳақидаги 4 қисмли видеофильм, навоийшунос олим Азиз Қаюмов ҳақида 3 қисмли, профессор Солиҳ Муталлибов ҳақидаги 2 қисмли, шунингдек, яна бир қанча кўрсатув ва фильмлар олтин фондда сақланади.

**— Тенгсиз наволар соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Бертахоним Давидова ҳақида 3 қисмли видеофильм тайёрланди. Шу фильм тайёрлаш баҳонасида санъаткорнинг янги-янги қирралари кашф этилгандир?**

— Келинг, бир воқеани айтиб берақолай. Видеофильм эфирга берилгач, мен аянинг уйларига бордим. Дилдан суҳбатлашдик. Шу пайт шогирдлари келиб қолишди. Холисхон Қодирова, Гулбаҳор Эрқулова, Насиба Сатторова... Опа хурсанд бўлиб кетдилар. Суҳбатимиз қўшиққа уланди.

«Қани, Гулбаҳор, халқ қўшиқларидан бирини айт, мен жўр бўламан», — дедилар... Гулбаҳор бошлаган хиргойига Насиба Сатторова ва Холисхон Қодирова ҳам қўшилишди:

*Кетсанг кетавер ёрим,*
*Кетсанг нима парвойим,*
*Бу жоним омон бўлса,*
*Яна битта суйгоним...*
*Бу жоним омон бўлса...*
*Яна битта...*

Қўшиқ охиригача айтилмади. Берта Давидованинг хитоби янгради:

— Тўхтанг, бунақа айтилмайди. Мен ўзим хиргойи қилиб бераман, эшитинглар.

*Кетсанг кетавер ёрим,*
*Кетсанг нима парвойим,*
*Бу жоним омон бўлса,*
*Қайтиб келар суйгоним...*
*Қайтиб келар суйгоним...*

Шогирдлари ҳам нозик бармоқлари билан хонтахтани чалиб, қўшиққа усул бераётган кекса санъаткор сўзларини такрорладилар:

**Қайтиб келар суйгоним...**

Ҳа, шундай айтилиши керак! «Яна битта суйгоним» деган ўйинқароқ гап бизнинг урф-ахлоқимизга тўғри келмайди. Бундан буён: «Қайтиб келар суйгоним», — деб айтинглар, хўпми? Шогирдлар устоз хиргойисига қўшилдилар. Хонани халқ қўшиқлари тутиб кетди. Мана шу ўгит менда бошқача таассурот қолдирди.

**— Шу кунларда нималар билан бандсиз?**

— Ҳар йили Мустақиллик байрами олдидан катта режалар тузилади. Ўтган йилларда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ севган санъаткор Зикир Муҳаммаджонов ҳақида «Саҳна сардори» номли икки қисмли видеофильм, шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Борисовна Пак ҳақидаги «Она» видеофильмлари эфирга узатилди.

Шу кунларда қомусий олим Иброҳим Мўминов ҳақидаги видеофильмнинг учинчи қисмини тайёрлаяпмиз.

У ХХ асрнинг йирик алломаси. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Иброҳим Мўминовнинг хизматларини тақдирлаб «Буюк хизматлари учун» ордени билан олимнинг руҳларини шод этдилар.

Биз ижодий гуруҳимиз билан Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида, аллома туғилиб ўсган Тезгузар қишлоғида, унинг номи билан аталувчи мактабда, музейда бўлдик. Янги материаллар олиб қайтдик. Уларнинг ҳаммаси янги фильмда ўз аксини топади, деб умид қиламан.

Режалар бисёр. Соғлиқ бўлса, ниятлар ушалади...

**Суҳбатни М. САФАРОВ олиб борди.**

***Франция терма жамоаси Германияда давом этаётган 18-жаҳон чемпионатининг сўнгги чорак финал йўлланмасига эга бўлди.***

## Чорак финалчилар маълум



Франция — Испания учрашуви олдидан мутахассислар испан футболчиларининг имкониятини юқори баҳолашаётганди. Давид Вилья пенальтидан ҳисобни очганда, кўпчилик Испания йирик ҳисобда ғалаба қозонади деб ўйлай бошлаганди. Аммо Испания мухлисларининг бу қувончи узоққа чўзилмади. Франк Рибера биринчи бўлимда ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда Патрик Виера ва Зайниддин Зидан томонидан киритилган голлар Франциянинг (3:1) ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Демак, 30 июнь куни бошланадиган чорак финал баҳсларини **Германия — Аргентина** (Берлин шаҳрида), **Италия — Украина** (Гамбургда) футболчилари бошлаб беришади. 1 июль куни эса **Англия — Португалия** (Гельзенкирхенда), **Бразилия — Франция** (Франкфуртда) терма жамоалари ярим финал йўлланмаси учун баҳс юритади.

Дастлабки икки жуфтлик ғолиблари 4 июлда Дортмунддаги стадионда, кейинги жуфтликларда ютган икки команда 5 июлда Мюнхендаги стадионда финал йўлланмаси учун курашади.

**Жаҳон чемпионати кундалиги**

**Спорт**



## Рональдо афсонавий Мюллерни ортда қолдирди

*Бразилиялик ҳужумчи Рональдо Гана терма жамоаси дарвозасига учрашувнинг 5-дақиқасида тўп киритиб, жаҳон чемпионатлари тарихидаги энг сермаҳсул ҳужумчи деган номга сазовор бўлди.*

Ҳозир унинг ҳисобида 15 та гол бор. Бу билан у афсонавий немис футболчиси Герд Мюллерни ортда қолдирди. Г. Мюллер 1970-1974 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатларида рақиблари дарвозасига 14 та тўп киритган эди. Рональдо ўзининг тўпларини уч жаҳон чемпионатида —1998 (4), 2002(8) ва 2006(3) рақиблари дарвозасига йўллади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Рональдо Бразилия терма жамоаси ўйинларида энг кўп тўп киритган иккинчи ўйинчи ҳисобланади. У шу кунгача терма жамоа таркибида 103 та ўйинда майдонга тушиб, рақиблари дарвозасига 67 та тўп йўллашга муваффақ бўлган. Пеле эса 114 та ўйинда майдонга тушиб, 95 марта дарвозабонларни доғда қолдирган.

## 20 миллион иеналик олтин тўп



Осака шаҳридаги қурилиш фирмаларидан бирининг раҳбари жаҳон чемпионати расмий тўпининг олтиндан ясалган нусхасини 20,06 миллион иена (172 минг АҚШ долларига тенг)га сотиб олди. Бу тўп Takashimaya Co магазинига сотувга қўйилган эди.

3 килограмм оғирликдаги тўп қалинлиги 1 миллиметр бўлган соф олтиндан тайёрланган.

Ҳозиргача харидор номи маълум қилинмаяпти.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## Иқтидорли ўқувчига — стипендия

*Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли мутахассис" кўрик-танлови ўтказилди.*

Дастлаб вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежларида бошланган мазкур танлов ғолиблари якуний босқичда иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейда ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Ўқувчиларнинг конструктив лойиҳалаш, ихтирочилик, техникавий ижодиёт, компьютер дастурлари, илмий ишлари, илғор педагогик технологиялари бўйича ўзлари ижод қилган қурилмалари ҳамда лойиҳаларидан улардаги иқтидор ва истеъдодни яққол сезиш мумкин эди.

— Бундай кўрик-танловни ўтказишдан мақсад касб-ҳунар таълимини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг танлаган соҳаларига бўлган қизиқишларини, билим савиясини ошириш, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуҳаммедов. — Ва, албатта, истеъдодларни рағбатлантириш ҳамда уларга кенг имкониятлар яратиб беришдир. Шу боис танлов етти йўналиш бўйича ташкил этилди. Ҳар бир йўналишда биттадан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар вилоят "Баркамол авлод" жамияти томонидан рағбатлантирилди.

**Абдурасул САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Доннёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 1 2 3 4 5